



Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф қилиш жиноятининг объектив томони

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори:
Довудова Дилзода

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро
бюроси Қўқон шаҳар бўлими бошлиғи:
Эшонхонов Камолхон Маматхонович

Мол-мулкни хатлаш суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолатларидан ҳисобланади. Чунки, мол-мулкни хатлаш, банд солиш натижасида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини ўз вақтида таъминлаш, ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар туфайли мулкий зиён етказилган шахслар ҳуқуқларини тиклаш орқали фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига нисбатан ишончи мустаҳкамланади. Хатланган, банд солинган мол-мулк тегишли қарор қабул қилингунига қадар айрим шахсларга ишониб топширилиши, банклардаги ҳисоб-рақамлар билан банк операциялари ўтказилиши тўхтатилиб қўйилиши мумкин. Афсуски, вақтинча сақлаш учун ишонб топширилган, хатланган ёки банд солинган мол-мулкни ўзлаштириб юбориш, тақиқланган ҳисоб-рақамлар билан банк операцияларини амалга ошириш каби ноқонуний ҳаракатлар ҳам содир қилиниши учраб туради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (ЖК) 233-моддасида айнан банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун, аввало унда жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаш керак бўлади. Жиноят таркибининг элементларидан бири бўлган объектив томон жиноий қилмишнинг қандай содир этилганлигини кўрсатади.

М.Ражабова ислом ҳуқуқида жиноят масаласини таҳлил қилган ҳолда, “жиноят таркибининг иккинчи элементи – объектив томон ижтимоий хавфли қилмишни ифода этиб, жиноятлар ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан (закот тўламаслик, битимлар



юзасидан мажбуриятларни бажармасик ва б.қ.) содир этилишини, шунингдек, жиноятлар моддий ва формал таркибли жиноятларга бўлинишини” кўрсатиб ўтган³.

Жиноят ҳуқуқи назарияси жиноятларнинг ички ва ташқи томонларга бўлиниш ҳақидаги назария кенг тарқалган. Жумладан, М.Х.Рустамбоев фикрича, “ҳар қандай жиноят – инсон хулқ-атворининг ташқи кўриниши, яъни онг ва ирода назорати остида содир қилинадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишидаги қилмишидир”⁴.

Айрим олимлар ижтимоий хавфли қилмиш, ижтимоий хавфли оқибат, ушбу хавфли қилмиш ва келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноят содир қилиш вақти, жойи ва усулини жиноят объектив томонини ташкил қилувчи элементлар деб ҳисоблашади⁵.

Ф.Худойкулов эса, ” жиноят таркиби объектив томони белгилари қонун чиқарувчи томонидан жиноят қонунида ифодаланишига кўра зарурий белгилар ва факультатив белгиларга ажратилади. Жиноят таркиби объектив томони зарурий белгиси фақат битта, бу ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳисобланади” деган фикрни билдирган⁶.

Юқорида келтирилган олимлар фикрларини умумлаштирган ҳолда, жиноятнинг объектив томони жиноятнинг ташқи белгиси бўлиб, у жиноятнинг қандай содир қилинганлигини кўрсатадиган белги, деб ҳисоблаймиз.

ЖК Махсус қисмининг аксар моддалари диспозициясида жиноятнинг объектив томони қандай содир қилиниши бевосита кўрсатиб ўтилган бўлади. Жумладан, ЖК 233-моддасида ҳам, жиноятнинг қандай содир этилиши қуйидагича ифодаланган: “Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш, яъни банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, худди шунингдек банк ёки

³ Ражабова М. Ислом ҳуқуқи: жиноят ва жазо. Ўқув қўлланма. Тошкент “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2021. 200-203 б.

⁴ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Жиноят ҳақида таълимот: Дарелик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – Б. 157

⁵ Попов А.Н., Зимирева Л.А., Федышина П.В. Объективная сторона преступления. Учебное пособие. Санкт-Петербург. 2015. С. 18.

⁶ Худойкулов Ф. Жиноят таркиби объектив томони зарурий ва факультатив белгиларининг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти: таҳлил ва тақлиф. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2021 й. № 6. 75-б.



бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш”.

Ушбу модда таҳлили унинг қуйидаги усулларда содир этилишини кўрсатади:

1) банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда:

ўзлаштириш,

растрата қилиш,

яшириш,

нобуд қилиш

унга шикаст;

2) банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш.

Шу билан биргаликда, банд солинган мулкни ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш ёки нобуд қилиш, унга шикаст етказиш каби ҳаракатлар анча миқдорда зарар етказилганидагина жиноят деб ҳисобланади. Жиноят кодексининг атамаларнинг ҳуқуқий маъноси белгиланган саккизинчи бўлимига мувофиқ, анча миқдордаги зарар деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар тушунилади.

Бу ерда эътибор қаратиш лозим бўлган ҳолат шундаки, қилмиш жиноят ҳисобланиши учун анча миқдордаги зарар етказилиши ҳақидаги талаб фақат банд солинган ёки гаровга қўйилган мулк ишониб топширилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда тасарруф қилинганда қўлланилади. Банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга оширишда эса бундай талаб мавжуд эмас. Яъни, бирор-бир корхона раҳбари ёки моддий жавобгар шахсга банд солинган мулк, масалан автомашина вақтинча сақлаш учун топширилган бўлса-ю, бу мулк ишониб топширилган мулкни қонунга хилоф эканлигини била туриб сотиб юборса ва бу зарар анча миқдорни ташкил қилса (бугунги кун ҳолати бўйича зарар 33 миллион сўмдан кам бўлмаса) жиноий жавобгарлик келиб чиқади. Банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан ушбу банк ёки кредит ташкилотидан мавжуд ҳисоб рақами бўйича



банд солинган пул маблағлари бўйича банк опрецияларини амалга ошириши, етказилган зарар миқдоридан қатъий назар жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради, яъни ушбу ҳолатда анча миқдорда зарар етказиш шarti мавжуд эмас.

Ушбу моддада назарда тутилган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик учун ЖКнинг 167-моддасида, мулкни қасддан нобуд қилганлик ёки унга зарар етказганлик учун ЖК 173-моддасида жавобгарлик белгиланган.

Айнан ушбу ҳолат суриштирув ва дастлабки тергов органларида қилмишни квалификация қилишда бир қанча тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Тадқиқот давомида ўрганилган суд ҳукмлари таҳлили фақат ЖК 233-моддасининг ўзи билан квалификация қилиниб, судга юборилган жиноят ишлари 13,5%ни ташкил қилишини, 86,5% ҳолатда жиноятлар жами сифатида квалификация қилиниб, судга оширилганлигини кўрсатди. Бунда, битта қилмиш (ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик) ҳам ЖК 167-моддаси ҳам 233-моддаси билан квалификация қилинган ҳолатлар, биз кўриб чиққан ҳукмларнинг 40%ида учради. Суд томонидан иш ҳолатларига қараб ЖК 167-моддаси ёки ЖК 233-моддаси айбловдан чиқариб ташланиб, ҳукм чиқарилган.

Бундай тушунмовчиликлар келиб чиқишига ЖК 233-моддасида банд солинган мулк деганда, банд солинган ёки гаровга қўйилган мулк тушунилиши белгилангани сабаб бўлмоқда. ЖК 233-моддаси одил судловга қарши жиноятлар бобида жойлаштирилганлиги учун ЖК 233-моддаси билан ўз-ўзидан суд ёки суриштирув, тергов органлари томонидан хатланган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф қилганлик учун жавобгарлик келиб чиқиши назарда тутилади. Аммо, гаровга қўйилган мулкни ишониб топширилган мулкни тасарруф қилганлик учун ҳам ушбу моддада жавобгарлик белгиланганлиги, унинг объектини, ўз навбатида объектив томонини ҳаддан ташқари кенгайтириб юборишга олиб келган. Масалан, шахс банкдан кредит олган, кредит таъминоти учун ўзига тегишли автомашинани банкка гаровга қўйган. Кейинчалик пул кераклиги учун банкда гаровга қўйилган ўз автомашинасини сотиб юборган. Бу ҳолатда одил судлов манфаатларига дахл қилиш мавжуд бўлмаса-да, ЖК 233-моддаси мазмунидан келиб чиққан ҳолда қилмиш банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф қилиш сифатида баҳоланмоқда.



Фикримизча, қилмишни ЖК 233-моддаси билан квалификация қилиш учун мол-мулк суд ёки суриштирув, дастлабки тергов органлари томонидан хатланган ёхуд Мажбурий ижро бюроси томонидан суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш учун хатланган ёки банд солинган бўлиши керак. Қолган ҳолатларда, яъни мижоз ва банк ўртасидаги, иккита юридик шахс ўртасидаги кредит, қарз муносабатларида гаров объекти бўлган мулкларни қонунга хилоф тасарруф қилиш иш ҳолатларига қараб, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат, жиноят аломатлари мавжуд бўлганида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик, мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ражабова М. Ислом ҳуқуқи: жиноят ва жазо. Ўқув қўлланма. Тошкент “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2021. 200-203 б.
2. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Жиноят ҳақида таълимот: Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – Б. 157
3. Попов А.Н., Зимирева Л.А., Федышина П.В. Объективная сторона преступления. Учебное пособие. Санкт-Петербург. 2015. С. 18.
4. Худойкулов Ф. Жиноят таркиби объектив томони зарурий ва факультатив белгиларининг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти: таҳлил ва таклиф. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2021 й. № 6. 75-б.